



БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзусидаги

2024
10 май



РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ

Бухоро-2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғликлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2024 йил 10 май** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА)** мавзусидаги Республикао микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан кизикувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир хайъати ва аъзолари:

О.Х.Ҳамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор
Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор
А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент
Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент
С.И.Иноятов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.
М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
Ф.Ҳ.Бобожонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)
Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)
О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,
Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири
Умаров Б.Б. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси
Носиров Ш.Ў– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг
ўзлари масъул ва жавобгардир*

ҳарбий қуроллари, кейинчалик сиёсий қарамлик шаронтидаги ҳарбий кўшин ҳолати ҳақидаги маълумотларни кўришимиз мумкин¹.

Хулоса қилиб айтганда, профессор Доно Зиёева тарих соҳасидаги илмий фаолияти, тадқиқотлари давомида қадимий Бухоро тарихини ҳам ўрганиб, ўзининг илмий мақолалари ва тарихий асарлари билан Бухоро тарихи ҳақидаги билимларни янада бойишига хизмат қилган деб айтсак хато бўлмайди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ – ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР ТАРИХИДАН (XIX – АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Н. А.Жумаева

БухДУ ўқитувчи

З.А.Ҳожиева

БухДУ 4 – курс талабаси

Биз қуйида Ўрта Осиёнинг қадимий деҳқончилик минтақаларидан бири ҳисобланган Бухоро воҳаси ўзбекларининг деҳқончиликка оид маросимларда Бободехқон култи ва у билан боғлиқ маросимлар борасида дала этнографик материаллари ва илмий адабиётлардан келтирилган маълумотлар асосида фикрлашамиз. Аввало шуни таъкидлаш жоизки деҳқончиликка оид бажарилаётган ҳар бир ирим, урф-одат замирида воҳа аҳлининг зироатчилик билан боғлиқ асрий ҳаётий тажрибалари, зийраклик билан узлуксиз кузатишлари жамланган бўлиб, уларнинг туб моҳиятига эътибор берилса эзгулик ҳаётбахш нурларга талпиниш, деҳқончиликда самарали ҳосил етиштириш, одамларни ҳосил етиштиришда бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан огоҳ етиш, ҳалол меҳнатни ривожлантириш, табиат неъматларини кўпайтириш ва авайлаб асрашдан иборат бўлган.

Зироатчилик билан боғлиқ урф – одат ва маросимлар доно халқимиз тафаккурининг ғаройиб мўжизаларидан биридир. Аجدодларимиз неча- неча асрлар уларга амал қилган, шу билан бирга улар таалукли қондалар, дуолар, айтимлар ва аломатларни ҳам яратишган. Айниқса, Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар каби воҳада ҳам зироатчилик ҳомийси Бободехқон култи² ва у билан боғлиқ урф- одатлар кенг тарқалган.

Дала этнографик материалларига таянган ҳолда шу нарса маълум бўлдики, деҳқончиликнинг ҳомийси Бободехқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, бошқалар ҳақидан ҳазар қилувчи деҳқонларга ҳомийлик қилувчи, уларнинг меҳнат унимига унум қўшувчи пир ҳисобланган. У айни сахар пайтида деҳқонлар кўтарган хирмонларда пайдо бўлиб тонг сахар турган деҳқонларнинг хирмонига барака улушиб уларнинг етиштирган ҳосилини тўкилиб сочилиб исроф бўлишдан асрар емиш. Қадимги ёзма манбаларни кузатиш жараёнида Бобдехқон образи билан боғлиқ бир манбага дуч келдик. Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг асарида³ зироатчиликнинг ҳомийси Бободехқон Одам тимсолида аксини топади.

Асардаги “Қиссаи Одам сафий алайҳис-салом” ҳикойатида агар Оллоҳ Жаброил, Микоил, Азроил каби фаришталарни яратмаганда, олам бунчалар ранг-баранг ривожланмаган бўларди,⁴ дейилади. Қачонки бирор нарсани яратиш зарур бўлса, ёхуд бошқа бир ишни амалга оширмоқчи бўлса, шу фаришталар хизматидан фойдаланади. Маълумотларга қараганда яхшилик фаришталари ерга тушиб деҳқонларга, чорвадорларга, ёхуд бошқа касб егаларига яхшилик қилмоқчи бўлсалар, Хўжаи Хидир, Хўжаи Хизир, Бободехқон, Деҳқонбобо суратида пайдо бўлишар экан.

¹ Д. Зиёева. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. (Қадимги даврдан ҳозиргача). Тошкент. – 2012.

² Бободехқон култи Помир тожикларида ҳам мавжуд бўлган. И. Муҳиддинов. Реликты до исломских обычаев и обрядов у земледельцев западного Памира (XIX-началор XX в). Душанбе. 1989.

³ Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. I-китоб. Т. , Ёзувчи. 1990, -Б. 27.

⁴ Ўша асар. –Б. 21.

Кексаларнинг айтишича, фаришталар осмон токида яшашиди. Уларни ҳечким кўрмайди, фақатгина кўнгил кўзи илғаш иш мумкин. Шу боисдан ҳам улар ҳеч қутилмаган ерда намоён бўларкан.

Бободехқон тимсолини зироатчилар битта суратда тасаввур қилишолмайди. Шунингдек, фақат бободехқонга бағишланган (бирор кун) белгиланган маросим ҳам йўқ. Бободехқон турли маросимларда тилга олинади, унинг рамзи сифатида кўп ўринларда соқолига оқ тушган кекса киши иш бажаради. Куз ёки эрта баҳорда далага қўш тушганда, ариқларни тозалашда, уруғ экишда, ғалла ўришда, хирмондаги донни совуришда биринчи ишни бадавлат, бола-чақаси, неварачевараси кўп, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли киши бошлаб берган¹. Дехқончиликдаги ҳар қандай ишнинг бошланмасида бободехқон рамзидаги кекса отахонлар туришган. Юқоридаги фикрларни Н.А.Кисляков², К.А.Богомоллова³, М.Р.Рахимов⁴, М.С.Андреев, Л.Ф.Моногорова каби элшунос олимларнинг маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Элшунос олим И.Мухиддиновнинг ёзишича, Язгулом воҳасидаги барча қишлоқларда Бободехқон вазифасини “файгунай” ёки “шогун” деб аталган энг ҳурматли, тажрибали қария бажарган. Хинго дарёси ҳавзасидаги тожиклар уни “шавгун”, Рушон, Бартан ва Хуфда “хушпайқадам” дейишган⁵. Уларнинг вазифаси авлоддан авлодга ўтган. М.С.Андреев ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаб, ҳар қайси қутлуг қадам (хушпойқадам ёки “омад келтирувчи”) авлоддан авлодга ўтган, ёхуд отадан ўғилга ўтиб, қўли енгил бўлган у амалга ошириладиган урф-одат ёхуд маросимда аниқ бир вазифани бажарган: биринчи кун қўш чиқариш – шудгорлашда, уруғ сочишда, ғалла ўриш ва суғоришда бош бўлган, шунингдек етти кун мобайнида эркаларни аёллар машгул бўлган ёзги яйловга боришни таъқиқлаган, дейди.

Шуни таъкидлаш керакки, дала-этнографик материалларига қараганда, Бухоро воҳасида Бободехқон тимсолини бажарувчи шахслар олдиндан белгилаб қўйилмаган, яъни бу вазифани ҳамisha бир киши бажармаган, шу боисдан ҳам бу вазифа отадан ўғилга қолдирилмаган⁶. Бухоро туманидаги Сафқарда қишлоғида агар қишлоқда эшон киши яшаса, кўпроқ Бободехқон вазифасини ўша киши бажарган. Агар эшон оламдан ўтсак, унинг ўрнини катта ўғиллардан бири бажарган⁷.

Ўрта осийнинг бошқа ҳудудлари сингари Бухоро воҳасида ҳам Бободехқон тимсолини нуроний чол қиёфасида тасаввур қилишган. Ёғдудон туманида қўш чиқариш, ғалла ўрими, хирмон янчиш маросимларида нуроний чол иштирок этолмай қолса, бу вазифани даврадаги энг ёши катта киши бажарган. У кишининг ёши 50, 55, 60 да ҳам бўлиши мумкин экан⁸.

Ёғдудон туманида илм эгаси, қишлоқ муллasi ёхуд унинг ўғилларидан бир ҳам маросим чоғида “Қуръон”дан оятлар ўқиб, дуо қилиши, ишни эса кексароқ киши бошлиб бериши мумкин, дейишар экан⁹. Юқоридаги фикрлар замирида Бободехқонни бир киши деб эмас, аксинча, бир неча деб тасаввур қилиш тушунчаси мавжудга ўхшайди. Ислom дини пайдо бўлганидан сўнг яратилган “Нурнома” мажмуасининг “Рисолаи Дехқон” бобида “Одам алайҳиссаломдан то Жаноб Расулulloҳ салоллоҳи алайҳи вассаломнинг

¹ Дала этнографик материаллари. 1998й. Яккабoғ тумани, Эсат қишлоғи.

² Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX –нач. XX вв./ТИЭ. М-Л. 1962.

³ Богомоллова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков.// Изв.от.общественных наук.Ан. Тадж ССР.

Сталинабад. 1952, вып.2.

⁴ Рахимов М.Р. Земледелие бассейна р Хингоу в дореволюционные период.// Труды АН Тадж ССР.

Сталинабад. 1957. т.43.

⁵ Мухиддинов И. Реликты до исломских обычаев и обрядов у земледельцев западного Памира (XIX-началор XX в). Душанбе. 1989, - С .11.

⁶ Дала этнографик материаллари.1996й.. Бухоро тумани Кўчқўмар қишлоғи.

⁷ Дала этнографик материаллари.1997й.. Бухоро тумани, Сафқарда қишлоғи.

⁸ Дала этнографик материаллари.1997й.. Ёғдудон тумани, Бобoғoзи қишлоғи.

⁹ Нурнома мажмуаси. Тошкент; 1991й. -Б.32.

саодатларигача 7777 деҳқон ўтибдурлар, ҳаммалари оқил, доно ва касб-корига мувофиқ рисола ва соҳибдуо эдилар” дейилади. Балки “Нурнома”нинг эл орасида тарқалиши кишилар онг тушунчасидаги Бободехқон тимсолининг аниқ бир суратини трансформацияга учраган яъни Деҳқонбобо шакли бўлса керак.

Дала этнографик материалларидан шу нарса англаш мумкинки, воҳа деҳқонлари Бободехқонни Хизр қиёфасида ҳам тасаввур қилганлар. Демак, аجدодларимизнинг ўйлашича, Хизр бобо ҳалол меҳнат қилган, покиза, диёнатли инсонларнинг олдида ҳамиша ҳозир у нозир. Хизр архаик мифологияда баҳор ва тирилиш рамзи, кейинчалик бу қатламга Шарқ диний ва эпос бадиий тафаккури орқали “оби ҳаёт” тириклик суви бахш этувчи, деган тасаввур қўшилади.¹ Юқоридаги хикояни назарда тутиб шуни айтиш мумкинки, “ўлик ер”ни тирилтиришга интилган Жовли қўшчига Хизр бобо ёрдамга келган. Кишиларнинг назарида “ўлик ер” тирилган ва мўл-кўл ҳосил берган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, деҳқонларга хос бўлмаган ҳатти-ҳаракатлар: ҳалолга ҳаром аралашса, ўзганинг ҳақиға хиёнат қилинса, экилаётган уруғдан ўғирлаб қолинса, Хизр бобонинг жаҳли чиқиб нопок деҳқонни албатта жазолайди, деб ўйлашган. Дала этнографик материалларига кўра, қадимда Бободехқон кишиларни деҳқончилик қилишга ўргатган, ҳар хил меҳнат асбобларини кашф қилган. Хўжаи Хизир (Қашқадарё воҳасида “Хўжаи Хидир” деб ҳам номланган) Бободехқон каби ўзи зироатчилик билан шуғулланмаган, аксинча, қайсидир бир ҳолатда ёрдам қўлини чўзган². Албатта, деҳқонлар кузги ва баҳорги шудгор, экин-текин, сугориш, ўриш, хирмон қилиш, янчиш ишларида Хизр бободан ёрдам сўрашган. Кишилар Хизр бобони ҳар жойда учратиш мумкин деб ўйлашади. Ахборотчи Баҳодир Абдурвззоқовнинг хикоя қилишича, бегона киши билан қўл бериб кўришаётганда баъзи кексалар ҳамроҳининг бош бармоғини сиқиб ушлашади. Сабаби кўришаётган шахс Хизр бўлса, бош бармоғининг суяги бўлмас экан. Суйаксиз бармоқни ушлаган киши Хизрдан қатъий бирор нарсани сўраш имконияти бўлган. Кишиларнинг тушунчасига Хизр бобо нафақат зироатчиларга, балки чорвадорларга ҳам, овчиларга ҳам ва бошқа касб эгаларига ҳам, бефарзанд кишиларга ҳам, оғир касалларга ҳам ўзининг кароматини кўрсатган, ёрдам берган.

Халқ тасаввурида Хўжаи Хизр ораста кийинган чол, қўлида ҳасса, гоҳ пиёда, гоҳ эшак минган ҳолда гавдаланган. Деҳқончиликнинг кўзини биладиган кекса кишиларни “Хизр кўрган” ёки “Хизр кўрганнинг боласи” дейишган. Деҳқончиликдан мўл ҳосил олган кишиларни ҳам “Деҳқонбобонинг нафаси теккан” ёки “Даласидан Деҳқонбобо ҳассасини судраб ўтган” деб улуғлашган. Ахборотчи Кенжа бобо Жуманазаровнинг таъкидлашича, отаси эккан бугдой, арпа ўсиб отга тенглашган экан. Кишилар “бой буванинг еридан Деҳқонбобо этагини судраб ўтган, дони омборга сиғмайди” деб гап қилишаркан. Кўпнинг гапида Хизр бор деганларидек, дон омборга сиғмай, ортганини ўрага кўмишган экан³.

Қишлоқ аҳли кўпни кўрган, деҳқончиликда суяги қотган кексалардан ерни шудгорлашда ҳам, уруғ сепишда ҳам, ғалла ўришда ва янчишда ҳам маслаҳат олишган. Агар даладаги экинлар кўнгилдагидек бўлиқ ривожланса, инс-жинслар ҳазиллашмасин, бало-ю қозолардан асрасин деб Деҳқонбобо ҳақиға ис чиқарилган. Дала этнографик материалларидан шу нарса маълум бўладики, ис чиқаришнинг бирор белгиланган куни бўлмаган. Зироатчилик билан боқлиқ удумларнинг кўплари бағорда Наврўз байрами арафасида бажарилган.

Воҳада экинларнинг ривожини паст бўлса, ҳашорот тушаверса, пайкал бошида экинларга сув оқиб кирадаган жой ёки бирорта экиннинг япроғи устида чироқ (похта пилик қилиб эшилади ва пахта ёғи шимдирилиб) ёқилган, дуо ўқилган. Бу ҳам Бободехқонга ис чиқаришнинг бир кўриниши ҳисобланган⁴.

¹ Жўраев М. Ипак йўли афсоналари. Т., Фан, 1993. –Б. 87-88.

² Дала этнографик материаллари. 1996 йил. Деҳқонобад тумани, Қорашина, Тудачорбоғ қишлоқлари.

³ Дала этнографик материаллари. 1996 йил. Пешкў тумани. Питмон қишлоғи.

⁴ Дала этнографик материаллари. 1997 йил. Ғиждувон тумани, Бобогози қишлоғи.

Бухоро деҳқонларининг тушунчасида Бободехқон ҳам, Хизр ҳам деҳқончилик илмини мукаммал егаллаган, шу боисдан улар ҳар қандай болани даф қила оладилар деб, тушунилган.

Пайкалларга қўнган инс-жинсларни ҳайдаш, ҳар хил мушкулларни осон қилиш фақат уларга хос хусусиятлардир. Бободехқонга ис чиқариш жараёнида оловга сиғинишнинг гувоҳи бўламиз. Демак, инс-жинсларни даф қилиш, уларни олов билан куйдириш, кўрқитиш, отшпарастлик динига хос бўлса, Куръон суралари билан дуои бад қилиш ислом динига хос, улар кейинчалик бир-бири билан уйғунлашган. Зироатчиларнинг, олов ва дуонинг қудрати бирлашиб, ёвуз кучлар устидан осонлик билан ғалаба қилганлар. XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Бухоро деҳқонлари ўзларига номаълум бўлиб кўринган табиатнинг кўринмас кучларидан кўркувга тушар экан, аини пайтда ажодларга ўхшаб улардан қутулиш чораларини ҳам излашган.

Ажодлари топиниш даражасига кўтарилган Бободехқон тимсоли воҳа деҳқонларининг эътиқод қилишга асосли эди. Бободехқон билан боғлиқ маросимларга муллар томонидан илоҳий тус берилди. Натижада маросимнинг мазмундорлиги, кишилар орасидаги мавқеи анча ортган.

Хулоса қилиб шуни ҳам айтиш керакки, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар орасида зироатчилик ҳомийси Бободехқон образининг тарихий-мифологик асослари қадимги ҳосилдорлик илоҳи билан боғлиқ. Қадимги ажодларимизнинг эътиқодий инончлари, табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ мифологик ҳосилдорлик худоси ёки ҳосилдорликка топиниш анъаналари замирида пайдо бўлган ҳамда ҳомий куч тимсоли сифатида мифологик қаҳрамонлар қаторидан ўрин олган ва кейинчалик исломий тус берилган.

Демак, биз бундан зироатчилик ҳомийси Бободехқон култига сиғинишда исломгача бўлган эътиқодий қарашларни исломий анъаналар билан қоришган синкретик тарзда сақланиб келинаётганини кўрамиз¹.

BUXORO AMIRLIGIDA TINCHLIK VA FAVQULOTDA HOLATLARDA YIG'ILGAN SOLIQLAR XUSUSIDA

Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrasi dotsenti

Shodiyeva Shahlo Soliyevna

BuxDu magistranti

Rahmatilloev Nusratillo Hikmatillo o'g'li

Insoniyat doimiy tartibda to'lashga o'rganib qolgan soliqlarning ham ko'p yillik rivojlanish tarixi bor. Har qanday jamiyatning taraqqiyot bosqichlarida soliqlarning vujudga kelish tarixi ilk davlatchilik asoslari paydo bo'lishi bilan chambarchas bog'liqdir. Soliq muhim va serqirra ijtimoiy-iqtisodiy kategoriya bo'lib, uning turli shakllarda paydo bo'lishi va amal qilishi kishilik jamiyati rivoji bilan chambarchas bog'liq. O'zbekiston hududida davlatchilikning uch ming yillik tarixga ega ekanligi bu makonda soliq munosabatlarining ham shuncha davrlar tarixiga ega ekanligidan dalolat beradi.

Buxoro amirligi tashkil topgandan so'ng (1753-1785) soliq tizimida ham bir qancha o'zgarishlar ro'y beradi. Buxoro amirligida soliq tizimini boshqarishda muayyan toifadagi davlat mulozimlarigina emas, balki, amirlik mulozimlarining deyarli barchasi ishtirok etgan. Amirlikdagi mulozim va amaldorlarning nomlanishi va asl xizmat lavozimlari boshqa sohaga qaratilgan bo'lishi bilan birga soliq tizimini boshqarishda ham bevosita va bilvosita xizmat vazifalari bo'lgan. Amirlikda to'lanishi shart bo'lgan umumiy soliqlardan tashqari har bir beklikda qo'shimcha to'lovlar ham joriy qilingan. Har bir bek qo'shimcha soliqlarni o'z bilganicha belgilagan. Soliq yig'uvchilar esa Buxoro hukumati tomonidan joriy etilmagan to'lov va majburiyatlarni ham aholidan talab qilishgan. Mansabdor shaxslar ko'pincha boylik

¹ Рахмонов Ф. Зироатчи...//Ўзбекистон этнологияси: янги қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. Т., 2004. –Б. 236-242.

Qurbonov Murodjon Dehqonboy o'g'li. MIRZA SALIMBEKNING TARIXIY O'LKASHUNOSLIK ILMI RIVOJIGA QO'SHGAN HISSASI.....	143
Xamrayev Iskandar Murotjonovich. BUXORO SHAHRI SUV TA'MINOTIDA BOLO NOVUZNING O'RNI VA AHAMIYATI.....	147
Nigmatov Alisher Xayrulla o'g'li. BUXORO XONLIGI VA AMIRLIGINING ELCHILLIK ALOQALARI.....	148
Tojiyev Dostonjon Beknazar o'g'li. BUXORO AMIRLIGINING BUYUK BRITANIYA, ERON VA USMONIYLAR IMPERIYASI BILAN SIYOSIY HAMDA DIPLOMATIK ALOQALARI TARIXI	151
Сайфиддинов Достон. ДОНО ЗИЁЕВАНИНГ ТАДКИҚОТЛАРИДА XIX - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ (МАДРАСАЛАРДА ТАЪЛИМ, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-СОТИҚ МАСАЛАЛАРИ).....	157
Н. А.Жумаева, З.А.Ҳожиева. ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ – ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР ТАРИХИДАН (XIX – АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)	160
Shodiyeva Shahlo Soliyevna, Rahmatilloev Nusratillo Hikmatillo o'g'li. BUXORO AMIRLIGIDA TINCHLIK VA FAVQULOTDA HOLATLARDA YIG'ILGAN	163
Маманов Меҳриддин Дусмурот ўғли. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ САМАРҚАНД БЕКЛИГИ СИЁСИЙ-МА'МУРИЙ БОШҚАРУВИ ТАРИХИ.....	165
Хўжаёров Асилбек Отабек ўғли. ҚАРШИ ШАҲРИ МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР (XX АСР БОШЛАРИДА)	169
Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли. САВДО – СОТИҚ АЛОҚАЛАРИДА БОЗОРЛАР ВА КАРВОНСАРОЙЛАРНИНГ ЎРНИ	173
Н. А.Жумаева, Ш.С.Ортикова. ҚЎШ ЧИҚАРИШ ЁКИ ЭКИН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ РАСМ - РУСУМЛАР.	176
Zaripov Sodiq Djurayevich. BUXORODAGI «SITORAI MOXI XOSSA» OBIDASI QURILISH ARXITEKTURASI	180
Мубинов Мухаммадали Ақобирович. ИЗУЧЕНИЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА АНГЛИЙСКИМИ ПУТЕШЕСТВЕННИКАМИ (XIX ВЕК)	182
Sharipov Shohruz Faxriddin o'g'li. BUXORO TARIXIGA OID ARXIV MANBALARI (ROSSIYA DAVLAT QADIMGI AKTLAR ARXIVI MISOLIDA)	185
Amonkeldi Axmatov, BUXORO ADABIY HARAKATCHILIGI NAMOYANDALARI	187
Ahmadov Ahmadjon Asror o'g'li, Samadova Rahimabegim Abdusaid qizi. XIX ASRDAGI BUXORO VA ERON SAVDO MUNOSABATLARI XUSUSIDA.....	189
Elmurodova Nigora Jobir qizi. BUXORO AMIRLIGIDA FAOLIYAT YURITGAN OLIY MADRASALAR.....	191
Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли, Эркинова Нилуфар Миршод қизи. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЯГОНА ИМПЕРИЯ БОЖ ТИЗИМИГА КИРИТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ	193
Faxriya Abdurasulova. BUXORO AMIRLIGI DIN ULAMOLARINING MA'NAVIY HAYOTIDA TUTGAN O'RNI	197
Ирискулов О.Ж. БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА САМАРҚАНДДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ.....	201
Bobodustov Bobur Mirzoboyevich. XIX ASRNING OXIRI - XX ASR BOSHLARIDA ZARAFSHON VOHASI SUV XO'JALIGIDA SARFLANGAN XARAJATLARNING TARIXIY-MANBAVIY TAHLILI	204
Джурозода Д.Х. О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ ШКОЛЫ БУХАРЫ В XVIII –ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВВ.	207
У.Муродуллаев. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА МАНФИТЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЎРНИ.....	210
Максуд Бешимов. АЙНИЙ ВА МУНЗИМ	212